

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 24 (2444)

1992 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ

ПАИШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА ЗО ТИИН, СОТУВДА 40 ТИИН

## ОЁҚ КЎРПАГА ҚАРАБ УЗАТИЛАДИ

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси 1990 йилнинг августида ташкиниди. Аввал фаолият кўрсатаётган туман ИИБ ўрнига 12 та бўлинма тузилиб, кўпроқ халқ билан бевосита мулоқотда хизматлар кучайтирилди.

Табиийи, бошқарма тузилиши билан хоналар мосаласида, алоқа воситалири, техник жиҳозлар хусусида бир қатор муаммоларга дуч келинди. Бўлинмаларни жойлаштириш, ходимларга иш шароити яратиб бериш ҳам осонликча хал бўлгани йўқ.

Бироқ шуларга қарамай ўтган йилнинг охирларида яна бир бўлинма тузилишига эришдик. Мазкур бўлинма атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлаш билан шугуулланмоқда.

Ходимлар яшаш шароитини яхшилашга ҳам эътибор ортиди. Уй-жойга навбатда турган 130 ходимнинг учун нафарига хизмат уйи ажратишга муваффақ бўлдик, 20 дан ортиқ ходимга эса уй қуриш учун ер ажратилди. Ўз навбатида қурилиш материаллари билан таъминлашда ҳам баҳоли қудрат ёрдам бердик.

Мана милиция ходимларининг ҳуқуқий ва инжимий жиҳатдан ҳимоясиги чиққанига ҳам иккى йил бўлади. Аммо ё биз бу қонунни ишлата билмаяпмиз, ё унинг бизга ишлагиси келмаяпти.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ходимларга нисбатан 42 та гайриқонуний ҳаракат содир этилган. Уларнинг 16 тасига жинои иш қўзгатилган, 21 таси бекор қилинган, 5 таси маъмурй жазоланган. Шу ўринда воқеа юз берган вақтдан то судгача бўлган юғур-юғур, уни келтир, бунинг йўқ каби бемаъниларга чек қўйиш лозим.

ЖҚБ, ТБ, участка хизматидаги ходимлар шахсий уловларидан фойдаланишади. Ҳозир бензин нархи, баллон, эҳтиёт қисмлар баҳоси осмонда. Бироқ қайси бошқарма ҳанузгача ходимларнинг шахсий машиналари учун эҳтиёт қисмлари ёки ёнилғи ажратган? Бу уларнинг инжимий муҳофазаланганими?

Ишдан кейинги хизмат учун қўшимча ҳақ тўлаш ҳақида қарор бор. Аммо кечакоундуз ишлаган ходимларимизнинг қайси бирiga у тўланди?

Одамларнинг милиция ҳақидаги фикрлари деярли бир хил: милиция билиши керак, қилиши керак. Ҳамма нарсага милиция айбор. Мана куни кеча ўз яшаш шароитларидан нолиб талабалар бош кўтаришиди. Бундай камчилик, нуқсонлар, яшаш машақатлари милиция ходимида камми? Талабаку бир ёлғиз боши учун шунча ҳаққини талаб этаяпти. Болачақаси унингтага қараб ўтирган милиционерчи?! Ахир, кечани кеча,

юрни қор, ёмғирни ёмғир демай, хизматини деб, боловларини ҳам уйқуда кўрадиган милиционерларнинг тили йўқми? Бор. Аммо улар ён-верига, кўрласига қараб оёқ узатишади. Кечагина мустақил бўлган юртидан бугун фақат ўз манфаатлари сўраш — ватан фарзандининг иши эмас.

Умри оёқда тик туриб заводда, эгилиб пахта далисида ўтган бир одам ҳам шунча нафақа олса-ю, кечагина билим юртига кириб, ўқий бўшлаган ўқувчи ҳам шуни олса. Қани бу ерда мантқи?

Биз ҳам ўқиганмиз. Кечалари ҳаммомллик қилганимиз. Лекин ҳеч кимга зорланмаганимиз.

Гапнинг сирасини айтгандан, ётоқхонанинг чироғи ўчсада, бир соат сув келмасада, милиция айборми? Нега толиблар ўзлари сайлаган ноибларга мурожаат қилишмайди? Нега билимго раҳбарлари билан бамаслаҳат ҳал этишмайди? Нима учун ётоқхоналарга, ошхоналарга депутатлар кирмайдилар-у, милиция кириши керак?

Хуллас, милицияга бундай қарашларни тубдан ўзгартириш лозим.

Милиция ҳақ-ҳуқуқлари чегарасини эса кенгайтириш зарур.

С. АҲМЕДОВ,  
Самарқанд шаҳар ИИБ  
бошлиғининг ўринбосари  
милиция подполковники.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

## КЎЧМА ТАҲРИРИЯТ ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА

Бунга ҳаммангиз шоҳидсиз, замон тобора ўзгариб бўряпти. Шу жумладан, унинг талаблари ҳам. Айни бугунги кунда халқ билан янада жислашиш, ўртадаги турфа муаммоларни биргаликда, ҳамкор, ҳамфир ҳал этиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

«Постда» рўзномаси ижодий жамоаси ана шуни чуқур ҳис қилган ҳолда иш услубини бирор ўзгартиришга қарор қилди. Вақти-вақти билан жумхурятимиз вилоятлари бўйлаб сафар қилиш, воқеа жойининг ўзида ИИБ ходимлари фаолияти билан танишиш, уларни қийнаб турган масалаларни ечишга мумкин қадар ёрдам бериш мақсадида кўчма таҳририят ташкил этилди.

Шундай қилиб, кўчма таҳририятимиз Фаргона вилоятида (2, 3-бетларга қаранг).

## ЯРАШМАЙ ТУРИБДИ-ДА

Ҳалқ билан милиция оғидаги кўринмас девор, худога шукр, кейинги пайтда парчалиниб бораётти. Бунда «Постда» рўзномасининг катта хиссаси бор.

Ҳалқ ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг оғир, ҳаф-хатарга тўла хизмат фаолияти, кувончи ва ташвишлари билан «Постда» орқали танишаётти. Бу кувонарли ҳол, албатта. Лекин шундай нуғузли рўзноманинг номи ўзига ярашмай турибди-да... Менимча, «Ҳалқ пособин» деб аталса, нур устига аъло нур бўларди...

Шоқир БОБОЕВ,

Қарши.



Киров тумани ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти Фанижон Акрамов мана 1984 йилдан бўён шу соҳада хизмат қилиб келмоқда. Утган вақт мобайнада бу тиниб-тинчимас терговчи қаичадан-қаичча жиноятларнинг очишишида бевосита иштирок этиб, қаичалаб қонунбузарларнинг сирини фош этиб ташлади.

СУРАТДА: терговчи F. Акрамов.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

## «МУНДИРЛИ ЗЎРАВОН»НИ ҮҚИБ

«Постда» рўзномасининг 18 январь сонида босилган «Мундирли зўравон» билан танишиб чиқдим. Ушбу мақола очиқ гап менда ги-заб ўйготди. Нега дейсизми? Мана, ёшим ўттизни қоралаб қолсада, ҳеч бир милиция ходими бирорини ноҳақ ҳақоратлаганини ёки кўчада дўппослаб турганини учратмаганимай.

Мен шундай милиция ходимларини биламанки, улар юрса ҳам, турса ҳам ҳалидари билан яшайди. Биз ҳам уларга мададкор бўлиш ўрнига...

Шу ўринда халқ ҳикматини ёдимга тушди: «Кимни яхши бўлса ошини ейди, ёмон бўлса бошин». Бу ҳақ гап Менинг милицияга ҳурматим баланд. Улар халқ билан доимо бирга, халқ билан кучли!

Илҳом ТОҒАЙ ўғли.

## ЖИНОИЙ ҲАНГОМАЛАР

Ленинград туманининг Баковул қишлоғига яшовчи Хансабой Каримов вақтида калласини ишлатмади. Қишлоқдоши Одинахон Мўминованинг ўғирлаган 21 дона жемпер тўқишига ишлатиладиган илларни оласи М. Болтабеева-га сотиб ўтирибди-я. О. Мўминова эса тақдирга тан бериб, бошқа ип сотиб олиш учун айнан шу ерга келибди...

\*\*\*

Шу туманинг Чўзма қишлоғига яшовчи Абдужалил Абдукаримов ўтган йилини пиёз экилган майдондан чиқмади деса бўлади. Четдан кузатгач одам уни роса меҳнаткаш

деб ўйлаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин у кучини бошқе нарсага сарфлаган экан. Пиёз оралаган милиция ходимлари 192 туп кўкнори ўсимлиги топдилар ва уни битта қолмай йўқ қилишди. Нима эксанг, шуни ўрасан, дейишарди. Пиёз экиб, кўкнор ўрса бўларканку.

\*\*\*

Оқтепа қишлоғилик 10-синиф ўқувчиси Муроджон Юсупов эса қишлоқдоши Ҳамза Фаниевни калтаклаб, ёнгил тан жароҳати етказди. Баҳона: «Нега қўйимни эшак қилиб миндинг!»

Эркин САТТОРОВ.

## УЛФАТЧИЛИК

Ҳидват гўшалардан бирини ўзларига паноҳ қўлган бир туда кишилар гурунги қизиган. Улар орасида иккни аёл ҳам бор. Ўртада ич-килининг ўткири.

Даврадагилар ҳамма насадан порози. Бозор иқтисодиётидан ҳам, нарх-навою, таҳчиликдан ҳам. Ҳаёт, яшаш нақадар маҳақат эканлигини қайта бир-бирларига ўтиришиди. Шундай иқтисодий таназзулда улфатчиликнинг йўқолмагани, ҳалъа азобларини мардонавор босиб ўтиб, ароқнинг нархи 3 сўму 20 тийин, виноникин 1 сўму 20 тийин бўладиган замонлар келиши учун ҳадада кўтаришиди. Йўқисод сиёсатга, сиёсат ҳақоратга, ҳақорат даҳанаки жангга қориниб кетмагунич шишалар бўшатилаверади.

«Базм» бир соат ўтмай авж нуқталига кўтарилиди. Баҳона азимаган нарсада, ё Сервернинг сиёсатини тушунмаганидан, ё Александрининг сиёсий иқтисод-

ни билмаганидан чиқди.

Александр ўзи ҳеч қаерда ишламаса, шу кўргулнингга қарамай иккни боласини амаллаб боқаётган бўлса, бу иқтисодиётидан бўлмаганими? Бу ҳақоратга ҳар қандай қашшоқликдан юқори, камбағалчиликдан пастроқ турганинг газаби қайтадан.

Ҳамма ўриндан қўзғалди. Жанжал тинчигандай, томонлар муросага келиши гандайди.

Бироқ Александрнинг алави сиртига урди. Ўйидан пичноғи олиб, қўлтиғига тикиди, Сервернинг изинга тушди. Гандираклаб кетаётган Сервер узоқлашиб ултурмаганди.

Ҳозиргина бир даврада ўтириб, қадаҳ уриштиришиган Александр Сервернинг орқасидан пичноқ урди.

Улфатчилик шу тариқа барҳам топди.

М. ИБРОҲИМОВА.  
Қарши шаҳри.

# КҮЧМА ТАҲРИРИЯТ

## Экспертлик осон эмас

Гапнинг лўйдасини айтганда, бизнинг хизматимиз моҳиятини ҳамма ҳам чуқур ҳис эта олмайди. Бу ҳақда баҳс бошланганда: «Ха, энди улар ҳам погон тақиб, отнинг калласидай маош олиб юрибдида», — дегувчилик ҳам топилиб қолади. Мен бу билан шундай фикрлайдиган кишиларни айбламоқчи эмасман. Чунки бизнинг касбимиз шунақа, кўзга кўринмайдиган ҳунар.

Аммо масалага чуқуроқ ёндашила-чи?

Ўтган йил 28 июль куни Қувасой шаҳрининг Темирйўл кўчасидаги 203-йининг 27-хонадонидан фуқаро В. Прокавенинг жасади топилди. Марҳума номаълум ваҳшийлар томонидан қийнаб ўлдирилганини шундоққина кўриниб туради. Аммо ким ўшалар?

Воқеа жойига катта эксперт милиция капитани Абдулазиз Абдураҳмоновни жўйнатди. Орадан иккича кун ўтгач, экспертиза хулосалари тайёр бўлди. Жасаддан олинган бармоқ излари шубҳа остига олинган Р. Жабборов ва В. Кулев исмли шахсларга тегишли экан. Тергов жараёнида иккича жиноятиччи айни таинилишга мажбур бўлди.

Яна битта мисол. 11 октябрь куни Бешариқ туманинадаги Киров номли дав-

лат хўжалиги ҳудудида B 59-57 ФЕ рақами «Москвич-412» белгили машинаси Абдуҳамид Нематовнинг жасади топилгани ҳам кўпчиликни ваҳимага солиб қўйди. Дарвоҷе, бу ҳақда «Постда» рўзномасида «Таъқиб» сарлавҳали мақола босилган. Хуллас, жиноятчиларни қўлга олишда бизнинг ходимларимиз ҳам бошқалардан кам азиат чекишилади. Воқеа жойига менинга катта эксперт Абдулазиз Абдураҳмонов иккимиз бордик. Котиллардан қолган 40 та бармоқ изларини топдик. Шундан кейинингини К. Розиков ва Е. Ҳасановларга жиддий айб эълон қилинди.

25 октабр куни эса Олтиариқ туманинадаги Охунбобоев кўчасида жойлашган 72-йига — фуқаро Б. Сўниев хонадонига боришга тўғри келди. Бу бечоранинг 80 минг сўмликдан зиёд шахсий мулки ўмарни кетилганди.

Бармоқ изларини ўрганиш жараёнида бу иш Жумма Матбобоев ҳамда Шерзод Сайдалиев деган шахслар томонидан амалга оширилганини мальум бўлди.

Ана шу мисоллардан келиб чиқадики, эксперт-крииминалстика хизмати ходимлари ҳам оғизидаги лукмани ҳалоллаб ейишпти. Энди ўз фаолиятимиз тўрисида фикр юритадиган



бўлсан, биргина 1991 йил давомида 2 минг 787 та жиноятичи очишида иштирок этди. Яна бир воқеани айтиб қўйяй: ўтган йил якунлари бўйича ички ишлар вазирилиги бўйича иккичи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Лекин яна бир томони бор. Бу муваффақиятга осонликча эришганимиз йўқ. Милиция майори Валерий Гаврилов, милиция катта лейтенанти Татьяна Гладкова сингари бурчига содиқ ҳамкасларимиз изланувчанлиги натижаси бу.

Муаммоларимиз тўғрисида гапирадиган бўлсан, ҳар битта туман ИИБда ёш бўлмаса биттадан эксперт бўлиши керак. Аммо ҳозир-

ча бунга илож топилмаяпти. Қараб ўтирган билан иш битмайди. Шунинг учун ҳар бир оператив ходим крииминалстик техникани ишлатишни билиши керак, деган фикрга келдик. Айни кунларда туманлардан ходимларни таклиф қилиб, касбимиз сир-асоридан сабоқ беряпмиз.

**Абдуҳаким ЭРНАЗАРОВ,**  
Фарғона вилояти ИИБ  
ЭКБ бошлиғи милиция  
майори.

**СУРАТДА:** эксперт-крииминалстика бўлнимининг бошлиғи милиция майори Абдуҳаким Эрназаров ёш ходим Ҳамиджон Ҳасановга ўз билими ва тажрибасини ўргатмоқда.

## НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўтган йил давомида Қўқон шаҳрида 300 дан зиёд автоулов ҳайдовчилари маст ҳолда рулга ўтирганини учун милиция ходимлари томонидай тўхтатилдилар. Уларга маъмурӣ чора кўрилди. Аммо 15 марта автофалокат рўй берганини, натижада 11 иккича ҳаётдан кўз юмганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, 11 та оиласадан дод-фарёд эшилди, 11 та оила аъзолари кўк кийиб, аза очдилар. Қанча-қанча аёллар тул, қанча-қанча болалар етим қолишиб-куй бўнинг зарарини коплаб бўлмайди ҳеч қа-лони.

Сезиб турибман, бу сатрларни ўқиётган муҳлислар: «Яна эски дийдиёнинг нима кераги бор?» — деб ижирганишаётган. Аммо на иложки, эски дийдиёнларнинг натижаси кўринмаяти. Мана бу рақамларга ўтибор беринг, шаҳримизда 1989 йилда 400 иккича, 1990 йилда 600 иккича, 1991 йилда эса 1707 иккича тиббий ҳушёроҳонада мэҳмон бўлишган. Ҳеч ақлимга сидиролмайманки, ароқ деб атальмиш заҳри қоталинг нархи ошган сари унинг «шоуфта»лари ҳам кўпайиб боряпти. Айни шу кунларда ичклик-бозлиқда тўхимачилик машина-созлиги заводи, иш тигиришлайлоқ тўкув ишлаб чиқарниш бирлашмаси жамоаси «пеш-қадам»лик қилипти.

Ҳўш, нима қилсан бу балодан ҳаморларимизни оз бўлсада чалғитами? Эҳтимол ичкликбозлиқ ҳақида янги қонун ишлаб чиқиш керак-дири! Ўлайманки, «Постда» муҳлислари бу муаммога бефарқ қарамайдилар, ўз мусносабатларини билдирадилар.

Мадамин РАЖАБ ўғли, қўйонлик уруш ва меҳнат фарҳийси.



**Милиция полковники Я. Маҳмудовнинг гарданига энг масъулиятни вазифалардан бирни юкландиган. У Фарғона вилояти иккича бошлиғи милиция катта лейтенанти Татьяна Гладкова сингари бурчига содиқ ҳамкасларимиз изланувчанлиги натижаси бу.**

**СУРАТДА:** навбатдаги қабул пайти.

**Сураткаш А. НАЙМУШИН.**

Хўжайниним Тошлоқ тумани ички ишларидаги ишлайди. Шу кишининг иши юзасидан ёзяпман. Ёшлари 36 да, 12 йилдан буён милиционер. Олдин Тошкентда техникумда ўқиди, кейин олий мактабда. У ерда ўқиш билан бирга ўзимизда участковийлик ҳам қилди. Темир интизомли хўжайниним бугунга келиб аравамизни тортолмай қолди. Нима қилиш керак? Олдингдан оқдан сувининг қадри йўқ, деб шуни айтсалар керак-да. Жамият учун сув, ва ҳаводек зарур бўлган милиционерни шунчалар хўрлашадими? Милицияда ишлаш жуда оғир экан. Буни эримнинг ахволидан биламан. У кишини кўриб, руҳан эзилиб кетамади.

Бўй етган қизларга битта илтимосим, маслаҳатим бор. Милиционер халиғига турмушга чиҳмаганг, жон сингилжонлар Нега, дерсиз?

Биринчидан: ишининг вақти-соати йўқ.

Иккинчидан: топганининг ҳам тайини бўлмайди.

Гапларимга ўтироқ билдирувчилар бўлар, балки. Мен биламанку, буларнинг ҳаммасини. Ахир, бекорга бошидан ўтмаганинг қошидан ўтма, дейищмайди. Эрим эрталаб соат олтида йўловчи машиналарга улгуриб қолай, деб йўлга чиқади. Кечаси эса 3-4 ларда келади. Шунда ҳам келса. Келолмаса, участковийларда қолаверади. Олдин ёш эди. 10-15 километрини пиёда босиб келаверади. Энди куч-кувати кетаяпти. Бечора болалари дийдорига тўймайди. Бирини кўрса, бирини кўрмайди.

Қариндош-уруглардан ўз вақтида хабар ололмайсиз, тўй-матъракасида қатнашолмайсиз. Оқибатда эри мелисада, бизни назарга илмайди, деб пичинг қила бошлишади. Билишмайди-

ки, уларнинг номи улуг, супраси қуруқлиги, бошқашиншига ҳам вақтларни йўқлигини.

Учинчидан: ҳам хотин, ҳам эр бўласиз. Бола-чақа, томорқа, рўзгор, яна бошқа майд-чуйдаларнинг ҳаммаси сизнинг зимиңгизда. Қишлоқ жойда яшаш, биласизлар, жудаим қийин. 300-400 боғлам гўзалоя тўплайсиз, принципга ортасиз, келтириб босасиз. Тандир қурасиз, сувайсиз... Эй, қай бирини айтай бу ташвишларнинг? Айтган билан аддо бўлса экан.

Кечқурунлари дастурхонатрофида бирон марта билан ўтирамикни, деб ичингида эзилиб, йиғлаб ўтирасиз. Булардан оддий

## КАЛОНДИМОФ

### ҲИСОБЛАРДИМ

Каминани кечирабисизлару «Постда» чиққунга қадар милиция ишни мутлақо тушунмасдим. Милиционерларни энг ишёраси, дангаса, боз устига калондимоф кишилар деб биладим. Рўзномангиз ана шу тасавуримни тарқатиб юборди. Ҳозирги кунда унинг ҳар бир сонини мароқ билан ўқийман. Тинчлик посбонлари маддлигига, садоқатларига таҳсилларга айтаман. Ахир, инсонни сары қаҳга олмайдиган, баъзан эса ҳавасга кимнингдир бўғзига пи-коқ тортадиган, юлғич, маккор шахслар билан рўпара келиш осонми!

Милиционерларнинг ойлик маошини ҳозиргидан иккича баравар ошириб қўйган тақдирда ҳам бу касбда ишлашни хоҳламасдим. Чунки умр одамга бир марта берилади. Шундай дейману ҳали етарлича ҳимояланмаган ҳолда жиноятичиларга юзмажуз бораётган йигитларга қойил қоламан. Уларга, ўғли бироз орнумаси үйишишиб кўйиб, ҳали вояж етмаган нозик вужудни булғайдиган абаҳларга беаёв жазолар қўлланиши шарт. Ваҳшийга шафқатли бўлиш одамгарчиликка тўғри келмайди, аксинча уни хаспушлашдир.

Колаверса, мақолаларингизда жиноят мажмуаси моддаларини кетдириш билан чекланмай, жиноятиччи ичнича сизни ҳадислардан кептириб ёзиш, оғизидаги ўтиборни ўз касбда ишларни ҳадислардан кептириб ёзсангизлар. Зора фойдаси бўлса.

Иккинчи тақлифим — бу ҳақда олдин ҳам ёзган эдим, қонунларимизнинг ожизлиги масаласига кўпроқ ўтибор бериш керак. Қаршиидаги инсонни пащашачалик кўрмай, унинг жонига қасд қиласидиган ёки орномусни йиғиштириб қўйиб, ҳали вояж етмаган нозик вужудни булғайдиган абаҳларга беаёв жазолар қўлланиши шарт. Ваҳшийга шафқатли бўлиш одамгарчиликка тўғри келмайди, аксинча уни хаспушлашдир.

Колаверса, мақолаларингизда жиноят мажмуаси моддаларини кетдириш билан чекланмай, жиноятиччи ичнича сизни ҳадислардан кептириб ёзиш, оғизидаги ўтиборни ўз касбда ишларни ҳадислардан кептириб ёзсангизлар. Зора фойдаси бўлса.

Хасанжон АҲМАДШОЕВ,  
Қувасой шаҳри.

## ЮРАГИМНИ ЕЗМОҚЧИМАН

# МИЛИЦИОНЕР

колхозчи яхши. Кечқурунлари болаларини от бўлиб миндириб овутади. Сизнинг гуноҳингиз эса, милиционерга текканингиз. Соchlарингизни қирқасиз. Бўлмаса уни юваб, ўриб ултурмайсиз. Ўзингизга қараш қаёқда, дейишиз, ҳатто байрам, тўйларда дастурхонада қилиб қўйиб, болаларнингизга ёлғончи бўлиб қолаверасиз.

Кечаси «мехмонхона»га этигини судраб келаверади, азонда яна ўша этигини чўткалаб, йиртиқ ботинкасини тикиргани олиб кетаверади. Аҳвол шу. Коммунизм маҳалида битта ўйни қўқиғайтириб олувдик. Афсус ўша маҳалларда тўртта шифер ҳам

# ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА

Бешариқ туманиндағи тиқув-момық фабрикасы 2-цехи бошлиғи Донохон Эргашева ўтган йил декабрь ойлары бошида Бешариқ шаҳар участка вакили милиция катта лейтенант Раҳмонали Қурбонов ҳузурига юрагида бир олам гам-андұх билан кириб келди.

— Ердам беринг, ука, — деди бәгадад ўйлары оғырлыш килаётган бошини хам қилған ҳолда. — Биласиз, корхонамизда турли хил кийим-кечаклар тайёрланади. Кечқурун иш тугағач, тиқилған тайёр маҳсулоттарни битталаб санағ, омборга киритиб күйман. Эрталаб келиб қарасам, кам чиқаверади.

— Омборни беркитишдан олдин эшкіни муҳрлайсиз-ларми?

— Албатта, аммо муҳрсира бузилмайды, ойналар синдирилмайды ҳам.

Участка вакилининг бошиңа қотди. Ана жүмбоқ. Омборга инсон зоти кирмаса, ўғри ким бўлди? Мушукмасdir ҳойнаҳоҳ! Яна ким билади дейсиз.

— Майли, сиз бораверинг, она, бу иш билан ўзим шугулланаман, — деди Раҳмонали.

Тўғрисини айтганда, участка вакилининг бошида бир олам ташвиши бўлади. Ҳар куни камида ўнлаф фуқаролар билан мулоқотда бўлиши, иложи борича ҳар бирининг мушкулини осон қилиб кузатиши керак. Айниқса, шаҳар жойида. Шундоқ бўлса ҳам, у Донохон опанинг шикоятини чуқурроқ ўрганишга аҳд қилди. Вақт топиб бориб, аввало омборхонада иш юритиш услуги билан танишиди. Эшик қулфлангандан кейин қозға мұхр босиб, елимлаб қўйишаркан. Ҳаммаси рисоладагидай. Аслида шундан кедийин бу ерга пашша ҳам учиб киролмайди. Демак, ҳар куни амала оширилаётган хуфёна ўғирликни четдан келган одам қилолмайди. Ўғри шу ерда, жабрланувчилар орасида.

У ана шу қарорга келгача, коровуллар билан алоҳидан

## СМБОРДАГИ МУШУК



алоҳида шуғулланиб кўрди ва Эшонқулов соат шахс ўз вазифасига анчагина масъулиятсизлик билан қаракан, деган фикрга келди. Чиндан ҳам у бу ерда узоқ йиллардан бери ишлар, ҳамма тарқалғач, қоровулхонаси эшигига кулғосиб, ҳоҳлаган жойига кетиб келиб.

Шу йил 10 январь куни кеч соат 6 ларда участка вакили ҳеч кимга сезидирмай цехга борди. Орадан кўп ўтмай 03-59 ФЕМ раҳамали фургонли хизмат машинаси келди. Машинада шоффер ва цех бошлиғи бор эди. Милиция катта лейтенанти ўзини панага олди ва воқеа ривожини кузата бошлади. Орадан кўп ўтмай фургонли «Москвич» ортига қайтиб кетди.

Қисса қилиб айтганда, участка вакили шу куни то соат 12 гача кузатувни тұхтатмади. Аммо бундан бирор нарса чиқмади. Ноилож ўйла қайди. Үғиллари Азиз, Раҳимжон, Латифжонлар аллақаочон уйқуга кетишган, фақаттана турмуш ўртоғи унинг йўлига кўз тутиб ўтирга экан.

— Ҳакима, овқатнинг борми? — сұради ҳорғин.

— Ҳа, ҳозир иситиб келаман.

Раҳмонали тамадди қилиб олғач, қаравотга чўзилди.

Қан иди ҳорғинликдан қи-зарган кўзларига уйқу ина қолса. Бояги автомашина ҳа-

кидаги тизгинисиз хаёллар тинчлик бермасди унга. Бунда барибир қандайдир сир бор, деб ўйларди у. Ниҳоят яна ўрнидан туриб, цехга ошиқди. Бу пайтда соат миллиарни тунги учдан ошганди. У пиязи бориб, энди катта күчадан цехга олиб киривчи йўлга буримоқчи бўлганда, ўша «Москвич» шиддат билан қишиб келди. Яна ўзини панага олган милиционер тезлизги ҳаддан ташқари юқори машина ичидан кимлар борлигини илғай олмади. Ярим тунда уни таъқиб қилиш мумкин эмас. Шу сабаб яна ўйга қайтди.

— Кеча сиз «Москвич» да соат 6 да нима үчүн ишхонага келиб кетдингиз? — деб сўради Донохон опадан эртаси куни ёрталаб.

— Кечи бир жойда маъракага бориб келгандик, — деди Донохон опа.

— Кейин бу ерга машинангиз яна қайтиб келдими?

— Иўқ, ҳеч қанақа машина келгани йўқ биздан кейин.

Раҳмонали у билан савол-жавобни қисса қилди. Ҳовлини синчковлик билан кўздан кечирди. Омборхона олдига келиб тұхтаган машина изларини ўрганди, ҳар иккиси гиддирал орасидаги масофани ўлчади. Кейин бу ҳақда ҳужжат тўлдираётб.

— Ишончим комилки, сиздан кейин шофферингиз яна бу ерга қайтиб кел-

ган, — деди цех бошлиғига.

Гумонингиз ноўрин, ука, — деди Донохон опа бир оз саросимага тушиб. — Тоҳиржон деч қаҷон менинг кўзимга чўп сукмайди.

— Буни худо билади, аммо мен қоровул Эшонқуловни ҳамда шоффер Тоҳиржон Жабборовни алоҳида-aloҳида тутатилгандан сўнг яна қозғанинг орқасига елим сурб, қайтадан ёпишириб қўйилса бас.

Олғирлар бу ҳайлани ҳеч ким сизмайди, деб ўлашгандир. Аммо бугун шуни яхши билишадики, яқинорада одил суд олдидага жавоб беришлари керак.

**Али ЭРДОН.**



рикни адд итишга киришишдан олдин маслаҳатлашмоқда. Адаш опервакиллар хушиёр участка вакилининг мулоҳазаларига бажонидил қулоқ солишиди.

**А. НАЙМУШИН олган сурат.**

## ЗОРА ИНСОФГА КЕЛИШСА

даги сабр аллақаочон битди. Туманинг алоқачилари андишанинг отини қўрқоқ қўйишган экан, бошқа иложим йўқ, деб ўладимда, ранжишини сизларни сизларни карор қилдим. «Постда» рўзномасига

1992 йил учун обуна бўлгандим. Хат ташувчи биринчи сони келмади, деб иккичи сонини бериб кетди. Индамадим. Орадан аичамунча ўтгач, олтинчи сонини келтириб берди. Яна вақтида унга беришмаган

эмиси. Хуллас, 16 январгача ўрганиб қолган рўзномасининг тўртта сонини мутодла қила олмади.

Зора «Постда» саҳифаларида ушбу эътироzlарини ўқиган алоқачилар, хафа бўлишса ҳам, инсофга келиб қолишса.

**М. АБДУРАҲМОНОВ.**

Фурқат тумани.

## ҲАМ ОДАМ

олиб қўймаган эканмиз. Тандир қурувдим, ёғирда ивиб, ўтириб қолди. Ўтинимиз, колхозчи қўшнимиз бор, ўшаларникида турди. Шуларга раҳмат, ҳурмат қилишиди.

Уй қилдик, болаларим ёш эди, бир-икки йил далага чиқолмадим. Бултур маддик қилиб, гектар олдим. Уч-тўрт кун чиқдим. Уйда ёрдамчи йўқ. Овқат қилиман, кир юванам, томорқага убу нарса эканман, сугораман, парваришилайман. Хуллас ҳаммасини тинчитиб ўйга эмаклаб кириб оламан. Шу ишлар билан бўлиб далага ўз вақтида чиқолмадим, бригадир гектарни олиб қўйди. Куз келди. Янги йил

арафаси эди. Колхозчиларга гўшт, шакар, латта-пұтта сотишаётган экан. Билмасдан кириб қолибман. Бригадир: «Сизга йўқ», — деб чиқария бўлорди. Бу нақаси кўп бўлган. Шунча вақт тишимни-тишимга қўйиб келдим. Энди чиқолмайди. Эрим ишини ташлайди. У киши ҳам ҳамма ишчилар сингари бағримизда бўлсан. Еки шароит яратиб берсинглар. Яқинда газетада ўқиб қолдим. Ағончиларга катта-катта ойликлару машиналар ваъда беришади. Лекин ишлаб, малакаси ошган, меҳнатда тобланган милиционерларга-чи? Улардан иш сўрашади, бўйруқ беришади, холос. Олдин

бу ёғини тўғрилаб қўйинглар, кейин иш сўранглар. Улар ҳам инсон, ахир. Уларни ҳам она туқдан. Оиласи, қариндош-уруглари бор уларнинг ҳам. Кийгиси келади, юргиси келади. Пичоқ бориб суняка тақалди-ку!

Милиция ходимларини одамларга ялнишини кўрсангиз эди. Чидаб бўлмайди. «Жон ака, З литер ёғ қўйиб бераман, боламни балнисага обориб келайлик, жон ака, хўп, денг», — деганини эшитсангиз, раҳмининг келади. Шофферни кўндиригунча ўладиган ўлиб, бўладигани бўлмай

қолаверади.

Бир кун хўжайним: «Мукаррам, яхшиям ичмайман, чекмайман, сигарет фалон, ароқ писмадон пул бўлибди», — деб хурсанди.

Иўқ. Ютавериб-ютавериб дард бўлди, соглиги йўқолди. Сизлардан илтимос, тўртта боламнинг ҳурмати, шу ўйгай милиция ходимларига ҳам ёрдам беринглар ёки тегишили бошликлари ўз ихтиёрлари билан ишдан бўшишсан. Буларнинг гуноҳи нима, ахир?

Хурмат билан дардли, аламли аёл:

**МУКАРРАМ.**

## ИТЛАР КЕРАК

«Постда» рўзномасининг шу йил 23 январь кунги сонидаги зълон қилинган «Ит ўрининг изандан тушди» сарлавҳали мақолави ўқидиму қўлнимга қалам олдим.

Одамзод яралибдик, итларин ўзига зафодор жоннор сифатидаги кўради. Чиндан ҳам тўрт оёкли дўстларимиз доимо оғиримизни ингил қилиб келади. Уларнинг

бизга, яъни инсонларга бўлган садоқати кўп марталаб синовдан ўтган, бунга дэврли ҳар биримиз шоҳидмиз. Юқоридаги мақолада кўтаришларни инсаннинг ҳам бунга яна бир марта исбот бўлади.

Шуниси ачинарлами, кейинги пайтларда нима учундир итларни ўзимиздан узоқлаштириб қўйдик. Ва шу бойс ачагина имкониятларимизни бой бердик.

Ҳали ҳам кеч эмас. Иложи борича ҳар бир ички ишлар бўлимида зотдор итларни парвариши қилинганни зарур. Умид қилимани, бунинг самвараси тез кунларда яқиқолади.

**П. БОЛТАБОЕВ.**



## Бедарак йўқолганинг такдирни

Марат исмли йигитни кидириш ишлари натижага бермади. Ниҳоят шаҳар жасадхонасидан шахси но маълум мурданинг кўмб юборилгани ҳақида хабар олиди. Қабри очишга тўғри келди. Аниқланишича, Марат икки оғайини ва бир қиз билан Юнусобод, даҳасидан машина олиб қочишган. Аммо йўлда ҳалокатга учраб, ўша жойда ҳаётдан кўз юмган.

\* \* \*

Чилонзор даҳасининг Қошибод кўчасидаги З-ий, 9-хонадонда яшовчи, 1974 йилда туғилган Ольга Викторовна Сидорованинг 1991 йил 21 декабрдан бўён бедарак йўқолганинги ҳақида 8 январь куни ариза тушганди. Ольга 14 январь куни топилди. У ота-онаси билан жанжаллашиб қолганинг сўнг ўргонини кетиб қолган экан.

\* \* \*

1972 йилда туғилган Кифот исмли қизининг йўқолганилиги тўғрисида отасидан ариза тушиб (инкинчи маротаба). Олдинги аризадан сўнг инкинчи куни ёқ 1-рӯйх касалликлар шифононисидан у қизни топгандик. Бу сафар бир неча кундан сўнг аризачи ўзи кириб келди-да, қизи яна руҳий касалликлар шифононисидан топилганинги айтиб, қидирудан ўчиришни сўради.

\* \* \*

16-17 ёшли икки нафар қиз бирга кўчага чиқиб кетиб, қайтиб келишмагани ҳақида ариза беришиди. (Қизларнинг исслари, адресларини маълум қилмасликни маъқул кўрдик). Ўзбек ва арман миллатига мансуб йигитлар йўл бўйida турган бу икки қизни мажбурлаб автомашинага ўтқазишади. Сўнгра вокзал атофидаги қаҳвагоналардан бирига олиб кириб, меҳмон қилишади. Кейин эса бошқа туман ҳудудидаги ўларнинг бирига олиб кириб, қизлардан бирининг номусига тегишади. Жиноят очилди, жиноячилар жавобгарликка тортилдилар.

Л. МАҲАМАТОВ,

Фрунзе тумани ИИБ ЖКБ ходими милиция лейтенанти.

## ТАЖАНГ

Чуст шаҳридаги 15-куптар-техника биллиги юртида ижоатчи бўлиб ишловчи М. Жумаев (унинг таржиман ҳолида «муқаддам судланган» деган ёзув ҳам бор) 15 февраль куни «бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирди». Биллиг юрти маъмурияти билан гап талашганди, шунчалик жини қўзибдики, асти қўяверасиз.

Хозирги кунда автомобилларнинг нархини ўзинги биласиз, булат билан ўшишиб ётибди. М. Жумаев бўлса тап тортмай биллиг юрти ҳовлисида турган «ГАЗ-53», «Москвич-412», «ЕРАЗ», «НИССА» белгили автомашиналар устига бензин қўйиб ёқиб юборди. Бунга ҳам қаюат ҳосил қилмасдан, «ГАЗ-52», «ГАЗ-63» белгили машиналарнинг ойналарини чил-парчин қилди. Яхшики, ёғин вақтида ўчирилди.

С. ЭРКИНОВ.

Одамнинг табиати қизикда. Йиға бориши керак — боради. Ўқишига бориши керак — боради. Лекин ўғирлик қилмаслиги керак — қилаверади. Худди шу ишни учун ўтириб чиқсан. Йўқ, яна қўл уради. Ўғирлик жойини ўзгартирса, ўзгартиради, «қасби»ни ўзгартирмайди.

Михайл 1983 йили оғир жинояти учун Свердлов ви-

рида (Ришатнинг озодлинига чиқканига бир ой бўлмасдан) иккى дўст қуролланиб, Д. Рўзиеванинг уйига бостириб киришди.

Гирт маст бўлган ватангадолар аёлнинг ўтакасини ёрб, пул талаб қилишди. Аёл уларнинг сузилиб турган кўзларидан бир қўркса, кўтарилиб тушиб турган милитигидан даҳшатда иккى бор қотди. Ўй соҳи-

## ЮЗИ ҚАРОЛАР

лоятидаги Ивдельск шаҳар халқ суди томонидан судланган эди. Юзи қаро бўлга, жануб томонларга «юриш» қилди. Бу ерда ўзи сингари «иссиқ юрт» илингизда келган Ришат билан учрашиди. Ришат юзи қароликда Михайлдан бир туки кам эмаскан. 1984, 1989 йилларда Кемерово вилоятининг Новокузнецк шаҳри халқ суди ўхуми билан жазоланганди. 1991 йилнинг январида қамоқдан чиқиб, тўппа-тўғри юртимизга «пок» ниятда йўл га эришдилар.

Утган йилнинг 30 янва-

Нур БАДИА.

## «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

### • 27, пайшанба

**• УзТВ I**  
8.00 «Узбекистон», 8.25 «Насиба». Фильм-концерт.  
9.05 «Мудхиш хот». Бадний фильм. 10.40 «Жаҳонга йўл: дўстлик ришталари». 11.10 «Танаффус».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар: 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 «Алифбо сабоқлари», 19.55 «Деҳқон юмушлари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 ИИБ матбуот маркази хабар қилди. 21.10 «Дил ноглари». 22.00 «Ўзлигининг намои қил...». Адабий-бадний кўрсатув.

**• УзТВ II**  
10.30 Узбекистон халқлари тарихи. 11.00 «Қадимги шўх-

ликлар», Бадний фильм. «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ  
18.30 Телефильм. 19.00 «Бу ёқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу ёқшомда» 21.40 «Кинонигоҳ», 23.25 «Пульс».

**• «ОРБИТА IV» [Москва]**

6.00 «Тонг». 8.30 «Мусиқанинг кўзим билан кўрмоқчиман». 9.00 Хроникал-хўжжатли фильм премьераси. 10.00 «Сердормад жой». 10.55 «Истеъодлар ва муҳлислар». 11.45 Мультфильм.

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Пи» белгиси билан. 13.10 «Инсон ва қонун». 13.50 «Орёл сувенири» дастасининг чиқиши. 14.10 «Ён дафтар». 14.15

«Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «Кулаётган одам», Бадний фильм, 3-серия. 17.15 От спорти.

18.00 Янгиликлар. 18.20 Мультфильм. 18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталаар». 19.20 «Музқаймоқ мавсумининг охир», Бадний фильм. 20.45 Хайрли тун кичкинтайлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Қора кути», 22.00 «Эфирда мусиқа». 23.45 Теннис. 00.45 «Ўтмиш садолария».

**• «ДУБЛЬ IV» [Москва]**

8.00 Хабарлар 8.20 Испан тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Испан тили. 9.35

Болалар соати. 10.35 «Сиринг-кўйловчи қуш», 11.20 «Мен ва бошқалар», 12.30 «Фарбий Сибирь». 13.10 «Хужжатли фильм». 14.00 «Россия бизнесмени-91». 15.55 «Касбга бағиши», 16.25 «Ўхшаш дунёлар», 17.10 «Хусусий мактаб», 17.40 «Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви». 18.00 «Хабарлар». 18.20 «Бозор ва маданият», 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. 19.20 Г. Явлинский «Нота бене» студиясида. 20.20 «Хар куни байрам», 20.30 «Санта-Барбара». 21.20 Россия Федерацияси Олий Конгушининг сессиясида. 21.45 Махсус тижорат хабарномаси. 22.00 «Хабарлар». 22.20 «Бешинчи фидирлар». 00.05 «Рақс марафони».

### • 28, жума

**• УзТВ I**  
8.00 «Узбекистон» ахбороти. 8.25 «Ринг», Бадний фильм. 10.00 Телефильм. 10.20 «Нишин», 10.50 «Мактабгача тарбия» ойномаси—меҳмонмиз.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик ёқшоми». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Ишбилармонлиг — кони фойда», 19.50 «Кўйла, дилкаш дуторим», 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Маърифатнома», 21.35 «Жаннатга йўл», 22.55 «Камтариш қулингиз», Бадний фильм.

**• УзТВ II**  
17.05 АШҲАБОД КУРСА-

ДИТИ

6.00 «Тонг», 8.35 Мультфильм. 8.50 «Музқаймоқ мавсумининг охир», Бадний фильм. 10.15 «Эфирда мусиқа».

12.00 Янгиликлар. 12.20 «...16 ёшгача ва ундан катталаар», 13.00 «Саёҳатчилар клуби», 14.00 Давлат академик симфоник оркестри чалади. 14.20 «Бридж», 14.45 «Бизнес-класс».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Голиблар», 16.05 Болалар учун фильм. «Иванко ва подшо Поганин», 17.25 Мультфильмлар.

17.50 «XX аср солдатлари

урушга қарши» халқаро телемарофонига.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «Чао, Буйнов, чао», 18.35 «Инсон ва қонун», 19.15 «Менинг оиласи ва бошқа жониборлар», Бадний фильм, 8-серия. 19.45 «ВИД» танишилади: «Мўъжизалар майдони», 20.45 Хайрли тун, кичкинтайлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «ВИД» таниширади. 00.35 «Ахлатдаги атиргул», Бадний фильм. 01.35 «Бир боқишида муҳаббат», 1-кун.

**• «ДУБЛЬ IV» [Москва]**

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишби-

ларон кишилар дэври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Фарбий Сибирь». 11.35 «Мусавир С. Егоров». 11.55 «Бешинчи фидирлар». 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала», 16.00 «Простор плюс», 17.10 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.25 «ТелеЭКО», 18.00 «Хабарлар», 18.20 «Устоз шарафига», 19.45 Мультфильм. 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.20 «Хар куни байрам», 20.30 «Санта-Барбара», 21.20 Россия Федерацияси Олий Конгушининг сессиясида. 22.00 «Хабарлар», 22.20 «Пепси стилида мусиқа», 23.20 «Мутлақо маҳфий».

23 февраль куни Фарғона-Қўқон йўлининг 2-километрида юз берган автоҳадолат подполковник Михайл Николаевич Кузнецонинг бевақт ўлимига сабаби бўлди.

ИИБ шахсий таркиби марҳумининг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ бўлиматининг бошлиги Владислав Викторович Николаенко ични ишлар идораларидаги фаолиятини 1982 йилдан бошлаганди.

22 февраль куни ўз шахсий автомашинасини бошига бораёттган В. Николаенко автоҳадолатга учраб, касалхонага етмай вафот этди.

ИИБ шахсий таркиби В. Николаенонинг онла аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Жумҳурини «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23.

муҳбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлими — 59-21-21.

Обуна рақами — 64315. ■ 43920 нусхада чон этилди.